Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 214 (21. 081) 1991 йил 5 ноябрь, сешанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

РЎЗНОМАНИНГ ШУ СОНИГА СУҲБАТ

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ М. М. РАСУЛОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБИ

МУХБИР: — Маҳмуджон Мўминович, Сизни аввало Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси расман тузилганлиги ҳамда Сиз Марказий Кенгашнинг биринчи котиби этиб сайланганингиз билан қутлайман. Айтингчи, Марказий Кенгаш партия таъсис қурултойидан кейин ишни нималардан бошлади?

М. М. РАСУЛОВ: — Табригингиз учун раҳмат. Марказий Кенгаш номидан «Ўзбекистон овози» рўзномаси жамоасини ва рўзнома орқали бутун республика аҳолисини, партиямиз аъзоларини ҳам Халқ-Демократик партияси расман таъсис этилганлиги билан табриклайман. Зеро бу партия ўз номи билан халқ партиясидир. У фақат халқнинг манфаатини кўзлаб яшайди ва хизмат қилади. Ўзбекистон фуқаролари кўпдан бери ана шундай том маънодаги халқчил партия вужудга келишини орзу қиларди, бу орзусига етди.

Энди саволингизга жавоб: 2 ноябрь куни Сиёсий Ижроия Комитетининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ижроия Комитетнинг ички тузилиши ва таркибини белгилаб олдик.

МУХБИР: — У қандай бўлади ва Марказий Кенгаш идорасида қанча киши ишлаши кўзда тутилмоқда?

М. М. РАСУЛОВ: — Марказий Кенгаш идорасида котиблар билан бирга 40 нафар масъул ходим ишлайди. Бу — собиқ Компартия Марказкоми аппарати таркибидаги ходимлардан икки баравар кам демакдир.

Марказий Кенгашда партия ички ишлари билан шуғулланадиган, матбуот, информация ва ташвиқот-тарғибот, партиянинг парламент фаолияти ва бошқа партиялар билан алоқаси ҳамда ишлар бошқармасидан иборат жами тўрт бўлим бўлади. Улар ичида гуруҳлар, секторлар иш олиб бориши табиий, албатта.

МУХБИР: — Вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотлари кенгашлари таркиби қандай бўлиши кутилмоқда?

М. М. РАСУЛОВ: — Уларда ҳам штатларни аввалги даражадан икки баробар камайтириш мўлжалланмоқда. Вилоят партия ташкилотлари кенгашларида уч котиб, район партия ташкилотлари кенгашларида эса икки котиб сайланади. Ички штатларнинг қандай бўлишини эса ўша партия ташкилотларининг ўзлари ҳал қиладилар.

Гап партия ташкилотлари кенгашлари таркиби ва кадрлар штатларига келиб тақалган экан, масаланинг яна бир томонига тўхталиш жоиз деб биламан. Партия ташкилотлари кенгашлари штатлари кескин қисқарганлиги сабабли улар эгаллаган бинолар ҳақида ҳам ўйлаб кўришга тўғри келяпти. Вилоят, шаҳар ва район партия кенгашлари аппарати ихчамлашгани туфайли, балки ўзларига мос биноларда жойлашар. Тошкентда эса республика Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгаши, вилоят ва шаҳар партия ташкилотлари кенгашлари бир бинода, яъни Тошкент вилоят ва шаҳар партия ташкилотларининг эски биносида жойлашиши маъқул деб топилди.

МУХБИР: — Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг раиси И. А. Каримов таъсис қурултойда ХДП собиқ Ўзбекистон Компартиясининг вориси сифатида унинг мулкига эгалик қилади, деб айтди. Сизнинг шу ҳақдаги фикрингиз?

М. М. РАСУЛОВ: — Ҳозир республика собиқ Компартиясининг 300 мингдан ортиқ аъзолари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига аъзо бўлиб кирдилар. Яна 80 минг партиясиз ҳам ўз тақдирини ХДП тақдири билан боғлади. Ҳар куни партиямиз сафига янги-янги аъзолар келмоқда. ХДП аъзоларининг умумий фикри шуки, янги партия собиқ Компартияга ворис экан унинг мулкига эгалик қилиши керак. Шундай бўлиши табиий ва айни пайтда қонуний ҳамдир.

Бундан ташқари жойлардан ХДПнинг собиқ КПСС мулкига муносабати ҳақида ҳам саволлар берилмоқда. Ҳозирча биз бу ҳақда бирор тайинли гап айтишимиз қийин. Вақти билан КПСС мулки, маблағи ҳисоб-китоб қилинади. Ана шунда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ҳам ўз фикрини айтиши мумкин бўлар.

МУХБИР: — Партия ҳужжатларини тайёрлаш қандай боряпти? ХДП аъзоларига аъзолик билетлари қачон топширилади?

М. М. РАСУЛОВ: — Ҳозир зудлик билан Ўзбекистон Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтиш учун барча зарур ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда. Аъзолик билетлари эса партия аъзоларига икки ой оралатиб тақдим қилинади.

МУХБИР: — Маҳмуджон Мўминович, ўзингизга маълум, ҳар қандай партия ўз фаолиятини вақтли матбуотсиз тасаввур этолмайди. Собиқ Ўзбекистон Компартияси ҳам ўзининг кучли рўзнома ва ойномаларига эга эди, шулар орқали сўзини халққа етказарди. Республика Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгашининг шу йўналишдаги режалари ҳақида гапириб берсангиз?

М. М. РАСУЛОВ: — Тўғри айтдингиз, вақтли матбуотсиз партиянинг қандай иш олиб боришини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бошқача айтганда партия ва рўзнома фаолиятлари бир-бири билан узвий боғлаб олиб борилсагина аниқ мақсадга эришиш мумкин. Собиқ Компартиянинг ўз рўзнома ва ойномалари бор эди. Улар республикадаги энг катта, кучли ва таъсирчан матбуот турлари эди. «Ўзбекистон овози» рўзномасини мен ана шундай вақтли матбуот сирасига киритаман. Чиндан ҳам бу рўзнома халқ севиб ўқийдиган, энг оммавий рўзномалардан бирилигича қолмоқда. Аммо яна шуни ҳам айтиш керакки, у ёки бу рўзномани партия Марказий Кенгаши ўзига орган қилиб олиши вақти ўтди. Ҳозир давр бошқа, талаб ҳам бошқа. Шундай экан, Марказий Кенгаш «Ўзбекистон овози» таҳририяти билан муассис сифатида ва фақат шартнома асосида бирга иш олиб бориши мумкин. Биз яқин келажакда рўзнома таҳририяти билан шу ҳақда маслаҳатлашиб олишни режалаштириб қўйдик.

МУХБИР: — Охирги савол: Сиз Наманган вилоят партия ташкилотида узоқ йиллар иккинчи котиб бўлиб ишладингиз. Энди эса ХДП Марказий Кенгаши биринчи котибисиз. Иш жойингиз ўзгаргани сабабли Тошкентга кўчиб келдингизми?

М. М. РАСУЛОВ: — Ҳозирча квартира ололганим йўқ. Аммо бу масаланинг ижобий ҳал бўлиши кутиляпти. Ана шундан сўнг оиламни кўчириб олиб келаман.

МУХБИР: — Вақтингиз зиқ бўлганига қарамай суҳбат учун имконият топганингиздан миннатдормиз. Ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози» рўзномасининг бўлим мудири Р. ТУРСУНОВ ёзиб олди.

КОМПЬЮТЕРЛАР САМАРАСИ

● Қувасой чиннисозлик заводида ҳисобчи (бухгалтер)лар штати уч ҳисса камайтирилди. Уларнинг ўрнини эса Кореядан сотиб олинган тўртта компьютер эгаллади. Эндиликда мазкур ҳисоблаш машиналари ёрдамида корхона йилига 50 минг сўмдан кўпроқ маблағни тежаб қолиш имконига эга бўлди. Келажакда қувасойлик чиннисозлар ана шу типдаги компьютерлардан яна 10 тасини сотиб олишни кўзда тутишмоқда.

СУРАТЛАРДА: тажриба цехи бригада бошлиғи, рассом Мўминахон Маманабиева. 2. Компьютерлар хонасида.

Ш. АЛИМОВ (ЎзТАГ) олган суратлар.



БУГУН ЎҚИЙСИЗ

● Жаҳонгир МУҲАММАД: Мен Ленинни сўроққа тутиш ёки айблашдан йироқман. Фақат ошкоралик кунларида очиқча гапириш учун ул зотни эслаш жоиз деб ўйлайман...

Паркент воқеалари... Махсус дивизия вакили М. Салютин имзо чеккан ҳужжат...

Энг аввало адолат йўлини, ҳамжиҳатлик йўлини танлашимиз зарур. Ушандагина бошимиз узра ярақлаб турган қилични улоқтирамиз.

(«Кундага қўйилган бош», 2-4-саҳифалар).

ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ КИЕВДА УЧРАШАДИЛАР

МОСКВА, 1 ноябрь. (ТАСС). Расмий манбалардан маълум бўлишича, ССР Иттифоқи ва унинг ҳуқуқий ворислари чет эллардан олган қарзи хусусидаги ҳамжиҳатлик тўғрисидаги меморандумни амалда рўёбга чиқариш масалаларини муҳокама қилиш учун суверен республикаларнинг ҳукумат бошлиқлари 9 ноябрь куни Киевда учрашадилар. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ҳукумат бошлиқлари кенгашининг бугунги мажлисида шундай қарор қабул қилиниди.

ВАЗИРЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ХУСУСИДА

МОСКВА, 1 ноябрь. (ТАСС). Суверен республикалар вакилларининг 1 ноябрдаги кенгашида эришилган аҳдлашувга биноан Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 5 ноябрь куни Москвада ўтказилади. Буни СССР Ташқи ишлар вазирлигининг ахборот бошқармаси хабар қилди. Кун тартибига биноан Иттифоқ ва суверен республикалар ташқи сиёсий фаолияти масалалари юзасидан фикрлашиб олинади.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон билан танишув сафарига келган Австралиянинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Каван Оливер Фентон Хоугни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 2 ноябрь куни қабул қилди.

Элчига Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, унинг чет мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ривожлантириш имкониятлари ҳақида гапириб берилди. У ўзини қизиқтирган саволларга жавоблар олди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, республика ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Г. Тешабоев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

● *Долзарб мавзуда*

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАР

Халқимизда қиш ғамини ёзда е, деган ҳикматли гап бор. Бу қишга олдиндан тайёргарлик кўриш керак дегани. Чунки қуёш чарақлаб турганда бу иш кўпинча унутилади.

— Биз фақат қиш яқинлашганда эсга тушамиз,—дейди киноя билан «Теплокоммунэнерго» Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи Умар Султонов. — Шу пайтгача ҳамма хотиржам эди. Ҳаво совий бошлаганда ҳаракатга тушиб қолишди. Китоб, Ғузор районлари, Қарши шаҳрида қишга тайёргарлик бўйича бирмунча ишлар қилинди. Айниқса Қарши шаҳар ижроия қўмитаси қошида тузилган штаб бизга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 13 та даволаш муассасаси, халқ таълими бўлимининг 12 та мактаби ва 25 та болалар боғчаси, шаҳар касалхонаси, поликлиникаси, болалар поликлиникаси, вилоят ва шаҳар тиш даволаш поликлиникаларида ишитиш тармоқлари сифатли ремонтдан чиқарилди.

Афсуски, бошқарма бошлиғи Умар Султонов тилга олганидай аҳвол ҳамма жойда бир хил эмас. Ёз бўйи тайёргарлик кўрилмаганн учун аҳоли уй-жойларини қишга тайёрлаш талабга жавоб бермайди. Масалан, Қарши шаҳридаги халқ депутатлари Советларига қарашли 290 та уйдан 116 таси, ташкилот ва муассасалар ихтиёридаги 355 та уйдан 101 тасигина қиш мавсумига ҳозирланган, холос.

Мухбирлар пунктимизга Қарши шаҳридаги қатор мавзелардан айрим уй-жойлар ертўласидаги иситиш қувурлари ёрилиб кетганлиги сабабли улар сувга тўлиб, пашшахонага айланганлиги, кўп қаватли уйларнинг эшик ва деразалари синиб ётганлиги ҳақида ташвишли хабарлар келяпти. Ана шундай манзарани Шўртангаз, Пахтазор митти районларида ҳам кўриш мумкин. Шаҳар уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси раҳбарлари эса олма пиш, оғзимга туш қабилида иш тутишяпти. Аҳволни ўнглаш ҳақида қайғуришмаяпти. Шунингдек, Косон шаҳридаги 4—5-митти районларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Ўрта Осиё темир йўл бошқармасига қарашли Қаршидаги 43-ўрта мактабни ҳам қишга ҳозирлаш ишлари ҳар йили чўзилиб кетади. Синфхоналар яхши исимайди. Аёзли кунларда эса югурюгур бошланади. Бундан фақат ўқувчи-ёшлар азият чекишади. Шу тармоқнинг раҳбарлари ўзларига тегишли мактаб ва уй-жойларнинг қишга тайёргарлиги билан жиддий қизиқишмайди.

Мавсумга ҳозирлик ишлари Чироқчи, (ижроком раиси ўринбосари Т. Абдураҳмонов), Ульянов райони (ижроқўм раиси муовини Б. Тоштемиров)ларида ҳам жуда суст бормоқда. Ульянов районидаги митти районлар иситилмаётганлиги ҳақида кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ҳақли шикоят қилмоқда. Шуниси ачинарлики, район марказий касалхонаси барпо этилгандан бери қишда яхши иситилмайди.

— Бу тўғрида «Теплокоммунэнерго» вилоят бошқармаси раҳбарларига айтавериб чарчадик, — дейди касалхона бош врачи Аҳмад Қурбонов. — Аммо улар бошқа важларни рўкач қилиб, амалий ёрдам кўрсатишмаяпти. Шу йил 9 сентябрда районда қишга тайёргарликка бағишланган ижроком мажлисида қатнашган бошқарма раҳбарлари иситиш қозонини ремонт қилишга ваъда беришган эди. Лекин ваъдалар ваъдалигича қолмоқда. Бу эътиборлар тўғрисида «Теплокоммунэнерго» вилоят бошқармаси бошлиғи Умар Султоновнинг фикрини билмоқчи бўлдик.

— Айб ўзларида, — деди у. — Ёз бўйи ялло қилиб юришди. Иситиш қозонхонаси ишламаса биз айбдорми? Қозонхонани ишлатишга мутахассис тополмаётганининг ўзи ҳам улар бу иш билан жиддий шуғулланмаётганлигидан далолат.

Аслида қарс икки қўлдан чиқяпти, деб ўйлаймиз. Мутахассис ташкилотлар айбни бир-бирига ағдариб кунни ўтказишяпти. Қишда эса одамлар, аҳоли изтироб чекади.

Очиғини айтганда, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. «Теплокоммунэнерго» вилоят бошқармасида ҳам айб бор. Мавжуд 60 та қозонхонадан ҳозиргача бор-йўғи 53 таси тайёр, холос. Тайёрлари ҳам бенуқсон деб бўлмайди.

Қарши шаҳрининг 1-қозонхонаси ёнида қурилган янги қозонхонада бир йилда 900 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Агар бу қозонхона ишга туширилса вилоят марказини тўла иситиш муаммоси ҳам ҳал этилган бўларди.

— Афсуски, сўнгги кунларда монтаж ишлари сусайиб қолди, — дейди шаҳар ижроқўми раиси Усмон Ашуров. — Янги қозонхонанинг «КИП» автоматикасини республика Қурилиш вазирлигининг Қашқадарё трести монтаж қилиши керак. Синаб кўриш ишларини эса республика Уй-жой, коммунал хўжалиги вазирлиги мутахассислари амалга оширишлари лозим. Бироқ, бир неча бор мурожаат қилишимизга қарамай, иккала вазирлик ҳам бу муҳим ишни пайсалга солишяпти. Қолган ишга эса қор ёғади.

Кези келганда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчимиз. Кўпгина корхона ва муассасалар «Теплокоммунэнерго» бошқармаси билан тузган шартномаларини бажаришмаяпти. Масалан, Қамаши шаҳар Совети ижрокоми ва халқ таълими бўлими, Толлимаржон уй-жой бошқармаси, «Қаршистрой» электр тармоқлари бошқармаси, Шўртангаз қурилиш-монтаж бошқармаси каби 50 дан ортиқ ташкилот қарзини узмаяпти. Бошқармага халқ депутатлари Кенгашларидан ажратилган маблағ эса етарли эмас. Бунинг ўзи ҳам ишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳадемай қиш эшик қоқади. Ҳаво очиқ кунлардан унумли фойдаланиб, шаҳар ва қишлоқлар хўжалигини қиш мавсумига ҳозирлаш мутасадди ташкилотлар олдида турган долзарб масалади.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮГУРГАННИКИМАС, БУЮРГАННИКИ

Олий лига футбол жамоалари мавсумни якунлашди

Эрта баҳор кезлари бошланган катта футбол баҳслари ниҳоясига етди. Олий лига сафидан ўрин олган 16 жамоа мамлакат чемпионатининг икки даврали ўйинлари мобайнида имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, мухлислар ишончини қозонишга, мавқеин мустаҳкамлаб, мавсумни ёруғ юз билан ниҳоялашга ҳаракат қилди.

Совринли ўринлар учун кураш, чемпионликка даъвогарлик қизғин ва муросасиз баҳсга айланди. Сирасини айтганда мавсум боши ва ўрталарида пойтахт армиячиларини муддатидан олдин чемпионликни қўлга киритишади, деб ҳеч ким ўйламаганди. Зеро, армиячиларнинг омадлари келди. Улар барвақт чемпионатнинг олтин медалларига эга бўлишди. Пойтахт спартакчиларининг эса Тошкентда пахтакорчилар билан ўйинда ютқазиб қўйишлари чемпионликка даъвогарлик қилишда панд берди. Улар кейинги ўйинларни муваффақиятли ўтказишларига қарамай, кумуш медал билан қаноатланишга мажбур бўлишди.

Футбол тасодифларга бой ўйин. Зотан қочган ҳам, қувган ҳам худо, деркан. Сабаби, пойтахт торпедочилари якунловчи тур олдидан 34 очко билан тўртинчи ўринни эгаллаб туришган эди. Учинчи ўринда бораётган Киев динамочиларининг кутилмаганда совриндорликни бой бериб қўядилар, дейиш қийин эди. Москвалик футболчиларнинг омадлари чопди. Улар Киев динамочиларини қабул қилиб, дарвозага жавобсиз битта тўп киритиш билан чемпионатнинг бронза медалини «илиб» кетишди.

Ўйинлар жадвалининг охирги поғоналарида бораётган жамоалар ўртасида ҳам қизғин кураш бўлиши кутилган эди. Чунки, «Локомотив» футболчиларининг аллақачонлар олий лигадан умидларини узиб қўйишгани мухлисларга аён. Лекин «Металлург» футболчиларини охирги ўйинда Москва спартакчиларига (1:2) ютқазиб, олий лигадаги ўринларини аранг сақлаб қолишлари кутилмаган эди. Умуман хавфли ҳолатни бартараф этиб, кучлилар сафида қолишга интилган жамоалар ғалаба қозонишди. Владикавказ спартакчилари ўн биринчи ўринга кўтарилишди.

«Пахтакор» футболчиларининг олий лигада қолиш-қолмаслиги масаласи ҳам мухлисларни кўп ташвишга солди. Фақат ғалаба жамоа мавқеини мустаҳкамлаши мумкинлиги ҳам олдиндан маълум эди. Ҳайтовур мавсум мобайнида кўп марта имкониятни бой бериб, мухлисларни ранжитиб, тўрни кўтариш чоғида қийин аҳволда қолган пахтакорчилар ҳисобидаги ғалабаларнинг андак бисёрлиги кор келиб қолди. Пахтакорчилар якунловчи ўйинни «Днепр» майдонида ўтказиб, 3:1 ҳисобида муваффақият қозонишди. Ҳар қалай футбол жамоамизнинг олий лигада қолганидан мухлислар мамнун бўлиб туришибди.

Ўйинлар жадвали

	Ю	Д	М	Т	О
ЦСКА	17	9	4	57-32	43
Спартак М	17	7	6	57-30	41
Торпедо	13	10	7	36-20	36
Черноморец	10	16	4	39-24	36
Динамо К	13	9	8	43-34	35
Динамо М	12	7	11	43-42	31
Арарат	11	7	12	29-36	29
Динамо Мн	9	11	10	29-31	29
Днепр	9	10	11	31-36	28
Помир	7	13	10	28-32	27
Спартак В	9	8	13	33-41	26
Шахтёр	6	14	10	33-41	26
Пахтакор	9	7	14	37-45	25
Металлург	9	7	14	27-38	25
Металлист	8	9	13	32-43	25
Локомотив	5	8	17	18-47	18

Қолган ўйинлар натижаси: «Динамо» (Мн) — «Арарат» — 0:0, «Металлист» — ЦСКА — 3:2, «Черноморец» — «Помир» — 1:0, «Локомотив» — «Спартак» (В) — 1:2.

Ҳ. НОСИРОВ.

ХУШХАБАРЛАР

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИ БИЛАН

● **Мирзачўл қўриғидаги энг йирик «Правда» рўзномаси номли давлат хўжалигига Шароф Рашидов номи берилди.**

Бу Мирзачўлга ҳал қилувчи ҳужум бошланганлигининг 35 йиллиги муносабати билан жамоа фахрийлари ва меҳнаткашларининг илтимосларига биноан амалга оширилди. Хўжалик чўлга айни қизғин ҳужум бошланган паллада — 1962 йилда ташкил топган эди. Шундан бери у таниб бўлмас даражада ўзгарди. Хўжалик меҳнат аҳли бу йил давлатга 11 минг тоннадан знёд пахта сотди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

●

МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● **Республика мустақиллигининг юзага келгани миллий қадриятларнинг тикланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, вилоятларда анъана ва расм-русумларни кенг тарғиб қилиш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Миллий маданий марказлар, турли уюшма, жамиятлар вужудга келаётгани шундан далолат. Яқинда Қарши шаҳрида вилоят адлия бошқармаси томонидан корейслар миллий маданий маркази низомги рўйхатга олинган эди. Куни кеча араблар миллий маданий маркази рўйхатдан ўтказилди.

— Мустақил Республика талабларига мувофиқ дастур ишлаб чиқилди, — дейди араблар миллий маданий маркази вице-президенти, Ўзбекистон халқ депутати М. Саидов. — Унда Шарқона қадриятларни тиклаш, Қарши шаҳрида мусулмонлар меҳмонхонаси ва емакхоналар қуриш, тил ўрганиш билан боғлиқ курслар очиш, масжид ва мадрасаларни таъмирлаш каби юмушлар ўз ифодасини топган.

Марказга Фалсафа фанлари доктори, Қарши давлат муаллимлар олий билимгоҳи профессори А. Чориев раҳбарлик қилмоқда. Маданий марказ миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

●

МИНГЛАБ ЖЎЖАЛАР

● **АМУДАРЁ районидаги Крупская номли жамоа хўжалигида яна бир ибратли иш амалга оширилди. Хўжаликда жўжа очириладиган инкубатор ишга солинди.**

Ўтган ойлар мобайнида 33 минг жўжа очириб, шундан 22 мингтадан кўпроғи сотувга чиқарилди. Шу билан бир қаторда давлат жамоа хўжаликларида парваришлаш учун 10 мингдан кўпроқ жўжа қолдирилди.

— 1992 йилда 100 минг жўжа очтирамиз, — дейди жамоа хўжалиги раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ойим Камолова. — Бунинг учун ҳозирданоқ ташкилотлар билан шартномалар тузилмоқда. Жўжаларнинг асосий қисми жамоа ва давлат хўжаликларига сотилади. Шунингдек, хўжалик аъзоларига арзон баҳоларда берилади. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир хонадонда 40—50 тадан парранда бўлишига эришамиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон овози ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

ҲАР КУНГИ СУҲБАТДОШИМИЗ

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. УНИНГ БАҲОСИ:

1 йилга — 25 сўм 68 тийин; ярим йилга 12 сўм 84 тийин; 3 ойга — 6 сўм 42 тийин. Нашр кўрсткичи — — 64583.

● **Моддий қийинчиликни меҳнат ва тадбир билан енгиш мумкин. Лекин маънавий қашшоқликдан асрасин. Сир эмас, ота-боболаримиз қадим-қадимдан маънавий мукаммалликка, маданият ва зиёга интилиб яшаганлар. Гурунглар қуриб, янги гаплардан эшитишнинг турли шаклларидан фойдаланишган.**

Хўш, бугун-чи! Бугун ҳам икки киши тўпланган жойда янгиликлардан суҳбат очилиши табиий. Бундай паллада рўзнома-ю ойномаларда босилган янгиликлар тилдан-тилга кўчишига ҳар куни гувоҳ бўламиз. Азиз муштарийлардаги янгиликка ўчлик эҳтиёжи Қорақалпоғистон жумҳуриятига қилган сафаримизда ҳам намоён бўлди. «Ўзбекистон овози» рўзномасининг қадрдонлари мулоҳазалари қуйидагича:

ХЎЖАЙЛИ РАЙОНИ:

— Мен ёш мутахассис сифатида ҳаётни вақтли нашрларсиз тасаввур этолмайман. Чунки рўзнома-ойномалар кишини дунё воқеалари, мамлакат, республика янгиликларидан хабардор қилиб туради. Шунга кўра бу йил ҳам дастлаб «Ўзбекистон овози» рўзномасига ёзилдим, — **дейди Энгельс номли жамоа хўжалиги обуна уюштириш ташкилотчиси Жумагул Холмуротова.** — Бир мен эмас, жамоамизда 112 киши ушбу рўзномага 1992 йил учун обуна бўлди. Яна 169 киши ёзилиш истагини билдирди.

Ҳамза номли жамоа хўжалиги бош бухгалтери Азат Досжонов таъкидлайди:

— Ўн олти йилдирки, отахон рўзномага ёзиламан. Негаки, мен республика ҳаётига оид янги хабарлар билан шу рўзнома орқали танишишга одатланганман.

Яна бир гап. Таҳририят аъзолари рўзномада қишлоқ хўжалиги муаммоларининг ҳал қилиниши тажрибасига оид мақолаларга кенгроқ ўрин беришини истардим. Агар шу жиҳат ҳам эътиборга олинса, рўзномага ёзилган 100 киши ва яна ёзилмоқчи бўлган деҳқонларимиз, мутахассисларимиз рўзнома жамоасини қувватлаган бўлур эди.

АМУДАРЁ РАЙОНИ ижроия комитети раиси Ражаббой Йўлдошев хўжаликларда пахта тайёрлаш маррасини эгаллаган жамоалар сони тобора ортиб бораётганини айтди.

— Полиз маҳсулотлари, сабзавот ва мева тайёрлаш йиллик режалари ошириб ўддаланди, — деди раис. — Гўшт, сут, тухум тайёрлаш йиллик режалари ҳам бажарилди. Деҳқонлар қўлига пул тушиб турган шу кунларда рўзномаларга ёзилиш қизғин боряпти. «Ўзбекистон овози» рўзномасига келаси йил учун 8100 киши ёзилди. Бу — ҳозиргига нисбатан анча кўп, ўтган йилги даражага яқин.

Бизнингча, тадбиркор пахтакорлар ҳаётидан очерклар бериб боришни таҳририят ўз режасига киритиши лозим. Бунга арзийдиган ишларимиз бор.

ТАХИАТОШ ШАҲРИ:

— Кундалик нашрларни ўқимаганлар ўзларидан кўришсин, — деди **Ленин номли жамоа хўжалиги раиси Исмоил Ўрозимбетов.** — Бундай кишилар кўп янгиликлардан хабарсиз қолишади. Бизда бундай кишилар бўлса-бордир, лекин жуда оз. Негаки кўпмиллатли жамоамиз келгуси йил учун ўзлари севган қатор вақтли нашрларга қисқа фурсатда обуна бўлишди. Ҳозир «Ўзбекистон овози»га ёзилганлар 130 дан ортиб кетди.

Хўжалигимиз маъмурияти жамоат ташкилотлари билан маслаҳатлашиб, кам таъминланган кишларни имтиёзли обуна қилиш йўлини тутди. Меҳнат фахрийларидан 30 кишига имтиёзли обуна расмийлаштирилди. Кўп болали оилалардан 10 киши бепул обуна қилинди.

Зоир Абдураҳмонов, Тахиатош шаҳар ишчилар таъминоти идораси бўлим мудири: — Рўзнома саҳифаларида ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид янгиликлардан хабардор бўлиб турамиз. Бироқ айрим қарорларнинг моҳиятини тўла англолмай қийналамиз. Ложи бўлса, муҳим қарорлар чиққанда ҳамма тушунадиган тарзда шарҳлар бериб борилса, рўзномага қизиқиш яна ҳам ортарди.

Шундай умид билан жамоамизда ҳозиргача рўзномага 50 киши ёзилди. Обуна қизғин давом этяпти.

БЕРУНИЙ РАЙОНИ:

Район далаларида бўлганимизда, **Охунбобоев номли давлат хўжалиги директори Абибулла Сайлиховов** пахта кечикроқ бўлгани, лекин кўсаклар мўллигини айтиб, пахта тайёрлаш режаси, албатта бажарилишини ишонч билан таъкидлади. У яна айтдики, давлат хўжалигида рўзномага ёзилишни уюштирувчи ташкилотчи Қамбарали доимий иш олиб боряпти. Бу йил камида 300 киши «Ўзбекистон овози»га обуна бўлади.

Директор ўзи раҳбарлик қилаётган хўжаликларда қовун, сабзи ва бошқа экинлардан ҳам юқори ҳосил етиштириб келинаётгани ҳақида гапирди. У сабзавоткорлар тажрибасини, хўжаликларнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олиб изчил ёритиш тилагини айтди.

Элликқалъа районидаги «Ленинград» жамоа хўжалиги раиси Райимбой Матқурбонов бундай деди:

— Хўжалигимиз кўп тармоқли. Шу чоққача пахта асосий экин бўлиб келди. Бундан- буён ҳам пахтачилик — хўжалик иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлиб қолади. Бироқ 900 оила истиқомат қиладиган жамоа хўжалигида ишчи кучлари кўпайиб бораётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Одамларни иш билан таъминлаш долзарб масала бўлиб турибди. Шунга кўра кичик цехлар, мўъжаз корхоналар ҳам очяпмиз. Чорвачиликни кўтариш мақсадида ижара усули кенг жорий этилмоқда. Бу соҳадаги дастлабки самаралар кўзга кўриниб қолди.

Фурсатдан фойдаланиб бир таклифни айтмоқчи эдим. Рўзномангиз саҳифаларида кўп тармоқли хўжаликлар иш тажрибасини ташвиқ этадиган таҳлилга бой мақолалар бериб борилса, рўзнома ўқувчилари доираси яна ҳам кенгайган бўлур эди. Тўғри, хўжалигимизда «Ўзбекистон овози» муштарийлари кўп. Уларнинг сафи яна ҳам кенгаяди. Обуначилар бу йил 800 кишига етади, деб ишонтираман.

Хўжабек Сентов, — Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Мен «Ўзбекистон овози» газетасини 1939 йилдан бери ўқийман. 1943 йилдан обуна бўлиб келаман. Менинг кўпчилик асарларим шу рўзнома саҳифаларида чоп этилди. 1952 йилдан қўшиқларим, мақолаларим ҳам чиқа бошлади. «Ўзбекистон овози» — халқ овози, Қорақалпоғистон овози, менинг ҳам овозим, ҳар кунги дилкаш суҳбатдошимиз бўлиб қолажак.

Келажакда қорақалпоқ шоирлари асарларидан айрим таржималар бериб борилса, санъатимизнинг ўзига хослиги ҳам ёритилса, деган истагим бор. Оролбўйи экологиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган амалий ишлар изчил, ёрқинроқ ёритилса мамнун бўлардик.

* * *

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон жумҳуриятидаги рўзномамиз муштарийлари сафи кенгайиб боряпти. Бироқ, муштарийлар шарт ҳам қўйишяпти. Табиийки, таҳририят олдига қўйилаётган бу масалалар истак тарзида айтилаётган бўлса-да, биз уларни катта эҳтиёж ва талаб деб қабул қилдик. Чунки муштарий фикри — иш режамизга киритилаётган жиддий тузатиш, деб ҳисоблаймиз. Унга оғишмай амал қилиш рўзнома мазмун-мундарижасини яхшилаб боради, албатта.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

● **Рўзномамиз таҳририяти муштарийлар истак-тилакларини ҳисобга олиб, хўжалик-ташкилотлар билан ўзаро шартномалар асосида обуна қабул қилиш режасини ҳам ишлаб чиқди. Меҳнат жамоалари шартнома асосида обуна бўлишни истаса ўз вакиллари орқали «Ўзбекистон овози» рўзномасининг хоҳлаган телефони орқали ўз фикрларини маълум қилишлари мумкин.**

НУҚТАИ НАЗАР

КУНДАГА ҚЎЙИЛГАН БОШ

ёки мустақилликнинг машаққатли йўллари хусусида сўз

МОЗИЙГА МУРОЖААТ

Сайхун ва Жайхун ўраб турган бу заминнинг «пешонаси шўр» экан. Нега дейсизми? Ахир қайси юрт бу қадар кўп азият чеккан, бу қадар кўп талофат берган, бу қадар кўп қони тўкилган? Уч карра тили, етмиш етти марта қўли кесилган бу юртнинг тақдири ҳақида ҳали ҳеч ким аниқ тасаввурга эга эмас ва ҳали бери бу қусур барҳам топмаслиги аниқ.

Кимлар босиб олишни орзу қилмади ва кимлар босиб олмади?! Жангу жадалсиз ўтган йили борми бу юртнинг? Гоҳида Машриқ тарафдан, гоҳида Мағриб ёндан отлар дупури келиб турди, ўқлар ёғилди бошига. Баъзан Спитамен бўлиб кўкдан ёғилган ўққа кўксини қалқон қилди ўғлонлари. Баъзан Муқанно бўлиб ловуллаган оловга кирди жигарбандлари. Темур Малик бўлиб ёғийга ёпирилди. Жалолиддин Мангуберди бўлиб саманда сакради саркардалари. Соҳибқирон Темур ҳазратнинг ҳам кўксига қонли из бўлди ёвнинг шум ниятлари.

Бироқ олов ичида, жанг қуршовида, ўқлар остида юксалишдан тўхтамади бу юрт. Улуғ Сино бўлиб кўкарди, Беруний, Ал-Хоразмий бўлиб тафаккур дарахтига айланди, Ал-Фороб, Фарғоний ва Мирзо Улуғбеклар бўлиб дунё илмхонасига йўл солди, Мир Алишер, Заҳириддин Бобур бўлиб куйлади, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Ат-Термизий, Хўжа Аҳрори вали бўлиб одоб-аҳлоқ салтанатини устивор этди. Чўлпону, Усмон, Фитрату Қодирий бўлиб жонини жабборга берди бу юрт.

Нева соҳилида уйғонган Пётрнинг тушларига бу юртнинг олтинлари кирди. Екатеринадан тортиб, инқилоб қиличидан йиқилган Романовларга қадар ва сўнг Брежневгача ҳам, бу юртнинг тиллолари, бойликлари, меҳнат учун яралган «олтин қўллари» тинчлик бермади.

Биз бугун мустақиллик ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, юртимизни кимлар ва нима учун босиб олишганини англаб етишимиз керак. Таассуфки, ҳали болаларимиз «ихтиёрий қўшилганмиз» дея сабоқ олишмоқда. Ҳали генерал губернатор Кауфманнинг «Элни тиз чўктириш учун унинг маданиятини яксон қилиш керак» деган «пуҳикмат» сўзларини фарзандларимиз билишмайди. Скобелев, Черняев деган зотларнинг қиличидан оққан қон доғлари тарихимизнинг чанг босган саҳифаларида кўринмасдан қолаётир. Регистон мадрасасида отиб ташланган талабалар руҳи қарийб бир асрдирки, осмонимиз узра чирқиллаб юрибди.

Эндигина Қодирий дафтарини очдик. Усмон мустақиллик учун занжирланганини билдик, холос. Бироқ, мозий узоқ ва яқин ўтмиш ҳали қоронғулик ичра мағлуб бўлиб турибди. Ҳали нур ёритган эмас бу кенгликни.

Мустақил жумҳуриятнинг фозилу-фузолари илм нури ила бу оламни ёритажакларига ишончим комил. Шу боис ўзим «тишим ўтадиган» кунлардан сўз очмоқчиман. Зеро, бугун тўла мустақиллик ўзи келмаслигини ҳар биримиз идрок этишимиз ва ҳар биримиз у ҳақда ўз сўзимизни айтишимиз шарт.

ДОҲИЙ ДАҲОСИ

Кимки оламдан ўтмасин, уни ерга топширар эканмиз, қабристонда «У қандай одам эди?» деган савол берилади. Ҳамма «яхши эди» дейди. Бу улуғ ҳикмат. Чунки у дорил фанодан дорул бақога кетди. Энди уни қайтариб ололмайсиз. Уни ҳақорат қилсангиз бошингизга кулфат ёғилади. Уни сўроққа тутаман десангиз тилингиз тошга айланади. Аммо «Доҳий тирик!» деган гап қонимизга сингиб кетган. Қолаверса жасадини ҳали ҳеч ким ерга топширган эмас.

Мен Ленинни сўроққа тутиш ёки айблашдан йироқман. Фақат ошкоралик кунларида очиқча гапириш учун ул зотни эслаш жоиз деб ўйлайман. Негаки, бугун биз Октябрь инқилобидан буён мустақиллик учун курашимизни яшириб келганимизни тан олмоқ учун ҳам уни эслаш зарур. Болаликдан тилимиз Ленин деб калимага келди. Ҳатто эр-хотин муносабатларида ҳам ленинча назариялар яратилди. Болалар Ленин руҳида тарбияланди. Унинг коммунизмга эътиқоди асарлари хонадонларимиз бойлигига айланди. Шу даражага келдики, Ленин ролини ижро этган артистнинг кўксига олтин нишон тақиш таомилга кирди. Бу зотнинг номи берилмаган маскан қолмади.

Бу унинг айби эмас. Бу бизнинг, қолаверса, бизни қулликда сақламоқчи бўлган улуғ ленинчиларнинг ишлари ва балки қилмишларидир. Ахир Ленининг тўла асарлар тўплами ҳам чала бўлиб чиқди-ку?! Юртларни босиб олиш, мустамлакани кучайтириш хусусидаги «асарлар» шу пайтгача яшириб келинган эмас-ку?! Яқинда ошкор этилган мана бу сатрларни бир ўқиб кўринга, таржима қилишга қўл бормайди:

...Постараться наказать Латвию и Эсландию военним образом (например, «на плечах» Балаховича перейти где либо границу хоть на 1 версту и повесить 100—1000 их чиновников и богачей)...»

«Под видам «зелених» (мы потом на них все и свалим) пройдем на 10—20 верст и перевешаем кулаков, попов, помещиков. Премия: 100.000 руб за повешенного)...».

«Даҳо»нинг бу «асарлари» яқинда партия архивидан топилди. Ҳатто, Ҳиндистон, Корея, Афғонистон, Англизистон, Эрон, Туркия, Греция ҳам ана шундай йўллар билан қўзғолон кўтаришни башорат қилган эканлар. Мўғулистонга қўзғолон учун пул ва отряд жўнатиш ҳақида кўргазмалар берган, Фин тўполонларига 10 миллион сўм «ёрдам» юбортирган эканлар. Марказий матбуотда эълон қилинган бу ҳужжатларга разм солар эканман, ҳозиргача улуғ доҳий васиятларига қанчалик содиқ қолингани ҳақида ўйлайман. Узоққа бормайлик. Паркент воқеаларини эсланг. Бу хусусда кўп гапирилган, аммо кам ёзилган. СССР Ички ишлар вазирлигининг махсус дивизияси вакили М. П. Салютин имзо чеккан бир ҳужжатдан мисол келтираман:

«1990 йил 2 март. соат 13.05. Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари подполковник Волков СССР Ички ишлар қўшинлари раҳбариятига қўнғироқ қилиб Паркентга 100 ҳарбий ва битта зирҳли ҳарбий машина юборишни, бу ерда 3 март куни рухсат этилмаган митинг бўлиши эҳтимоли борлигини ва оммавий тартибсизлик бошланиб кетиши мумкинлигини айтди».

Дарҳол қўшин Паркентга қараб йўл олди. (Кейинчалик Ўзбекистон Олий Кенгаши комиссияси бу ҳаракат мутлақо нотўғри бўлганини аниқлайди. — Ж.М.). Бўкада оммавий қирғиннинг олди олинди. «Даҳо» васиятига содиқ, айни пайтда Ўзбекистонни қўлдан чиқариб юборгасликка аҳд қилган зўравонлар ташвишга тушдилар. Энди, нима бўлса ҳам Паркентда олов ёқиш керак эди. Бунга қандайдир даражада эришдилар ҳам. Аммо кутилган натижа бўлмади. Ўзбекистон ёнмади. Сўнг каттароқ операцияга киришилди. Энди иш Ўшда бошланди. Бу сафар Ўрта Осиёга олов қўйилиши керак эди. Охир оқибатда тағин уларнинг режалари барбод бўлди.

Бугун «мустақиллик ўзи келмайди, унинг учун курашиш керак» деган гапларни кўп эштамиз. Ҳа, курашиш керак. Биз нафақат курашдик, балки бу йўлда қон ҳам тўкдик. Фарғонада йиқилган йигитлар, Қўқонда ўққа тутилганлар, Паркентда шаҳид бўлганлар, Ўшда жон берганлар — булар мустақиллик учун қурбон бўлганлардир. Мустақиллик майдонида қад кўтаражак «Озодлик» ёдгорлиги ана шуларнинг ҳаммасини мужассам айламоғи керак.

Энг даҳшатлиси шундаки, Ленининг куч ишлатиш ҳақидаги башоратлари КПСС Марказий Комитетининг иккинчи одами, Бош котиб ўринбосари Ивашконинг иш столидан ҳам топилди. Мана сизга жумбоқнинг калити. Буёғини тушуниб олиш учун донишманд бўлиш талаб этилмайди.

АДАШГАНЛАР, АДАШМАНГЛАР

Сафар учрашувларида кекса бир отахон қизиқ савол бердилар.

— Болам оз эмас, кўп эмас, саксонни қоралаб қўйдим. Сен менинг саволимга фақат тўғри жавоб бер. Чунки сен эшитган, ўқиган, мен эса барини кўрганман. Қани айтчи, инқилобдан нима орттирдик?

(Давоми тўртинчи бетда).

● *Иқтисодиёт янгиликлари*

МУДДАТИДАН 2 ОЙ ИЛГАРИ

Марғилон шаҳридаги вилоятлар тажриба-ишлаб чиқариш комбинати жамоаси маҳсулот тайёрлаш йиллик режасини муддатидан икки ой илгари бажарди. Буюртмачиларга қарийб 900 минг сўмлик истеъмол буюмлари етказиб берилди.

Корхона меҳнат аҳли режадаги 110 минг ўрнига 280 минг сўм фойда олди. Фойданинг катта қисми ижтимоий соҳага ажратилди. Ҳозир бу ерда қўшимча буюртма ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш давом этмоқда. Ишчилар йил охиригача режадан ташқари яна 435 минг сўмлик истеъмол буюмлари тайёрлашга аҳд қилишган.

А. ҚОДИРОВ,
Фарғона вилояти.

ТЕГИРМОН ИШГА ТУШДИ

Ульянов районидаги «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалигининг Қорақўғирот қишлоғида эски тегирмон қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Уни эндиликда меҳнат фахрийси бўлган Жўра Муҳаммадиев бошқармоқда.

Ҳозирча тегирмонда соатига 100 килограмм, бир кечакундузда эса 2,5—3 тонна буғдой унга айлантирилятпи. Эндиликда хўжаликдаги кўпгина оилалар давлат хўжалиги ҳисобидан сотиб олган дон маҳсулотларини ушбу тегирмонга элтиб, осонгина ун қилиб қайтишмоқда.

Ж. ЮСУПОВ,
Қашқадарё вилояти.



● **«СУРХОН» комбинати йилига 78 минг куб метр темирбетон буюмлари ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулотлар фақат Сурхондарё вилоятига эмас, балки республикамизнинг барча бурчакларига пешма-пеш жўнатилмоқда.**

СУРАТДА: комбинат цехларидан бирида.

● **Иккинчи суратда эса Термиз шаҳрида қурилаётган катта ҳовуз қурилишида.**

В. МИЛЕНЬКИЙ, Р. ШАГАЕВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

● *Мутахассис мулоҳазаси*

ҚУРИЛИШНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Бозор иқтисодиёти халқ хўжалигининг барча тармоқларида, шу жумладан қурилишда ҳам туб иқтисодий ўзгаришлар ясаш, хўжалик юритишнинг самарали усулларидан кенгроқ фойдаланишни талаб этмоқда. Бироқ ҳанузгача жойларда қурилишга эскича муносабат, маъмурий-буйруқбозлик усулида давлат буюртмаларини бажаришни бош мезон қилиб белгилаш ҳоллари давом этяпти. Шунинг оқибатида пала-партиш, сифатсиз бино ва иншоотлар қуриш ҳамон камайгани йўқ.

Очиғини айтганда, қурилишда сифатни яхшилаш муаммоси бугун юзага келган эмас. Бир неча йиллар мобайнида сифатни яхшилашга уринишлар бўлди. Ҳатто ўн иккинчи беш йилликни «Сифат ва самарадорлик беш йиллиги», деб атадик. Бу борада қатор-қатор қарорлар, буйруқлар ва тавсияномалар қабул қилдик. Бироқ аҳвол ўзгармай қолаверди.

Биргина мисол. Андижон вилоятида ўтган давр мобайнида сифатсиз иш бажарганлиги учун пудратчилар ҳисобидан 310 минг сўм пул чегирилиб, бош буюртмачилар ҳисобига ўтказилди. 12 та объектдаги қурилиш-монтаж ишлари тўхтатиб қўйилди. Бино қурилишидаги камчиликлар учун пудратчиларга 31 минг сўм жарима солинди. Вилоят ижроия комитетида бир неча бор қурилишдаги сифат масаласи таҳлил этилди. Лекин, афсуски, кўрилган тадбир-чоралар кутилган натижаларни бермади.

Хўш, қурилишда нега бурилиш бўлмаяпти? Ахир ота-боболаримиз бунёд этган минора-ю, иншоотлар Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хива шаҳарлари довруғини бутун оламга ёйган эмасми? Улар тиклаган обидалар 500 йил мобайнида қанчадан-қанча қирғинбаротларга, табиий офатларга, зилзилаларга бардош бериб келдику! Демак, ота-боболаримиз ақл-заковат билан иш юритганлар. Бу қурилишларга қалб қўрларини бериб, чинакамига меҳнат қилганлар.

Ҳозир-чи? Баъзида ўйлаб қоламан. Нега меъморчиликда донг таратган бобокалонларимиз ишларини биз қила олмаймиз? Нега улар қўлида сайқал топган ғиштин деворлар асрлар давомида ўз жилосини йўқотмайди-ю, кечагина биз жило берган сувоқлар эртасига кўчиб тушади? Бунинг устига бирбиридан фарқ қилмайдиган Оврўпо мақомидаги биноларни қураверсак, келажакдаги авлодларимиз «қани бу ерда миллий меъморчилик анъаналари», деб эътироз билдиришмайдими?

Шундай экан, бугунги кунда қурилишдаги аҳволни бозор муносабатларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш, миллий меъморчилик анъаналарини қайта тиклаш, қурилишда туб бурилишлар йўлларини қидириб топиш зарур. Энг аввало, қурилиш материаллари етказиб беришни тартибга солмоқ даркор. Зеро, қурувчилар ўз вақтида материаллар ва хом ашё билан таъминланмас экан, қурилиш сифатига путур етади, технологик жараён бузилади.

Иккинчидан, бинокорларнинг ойлик маошларини шу кун талаблари даражасида ошириш, ҳеч бўлмаганда қурилиш ширкатлари тўлаётган даражага етказиш керак. Акс ҳолда давлат қурилиш ташкилотларида мутахассислар қўнимсизлиги кўпаяверади. Яхши мутахассис бўлмаса, ишда ўнгланиш бўлмайди.

Тўғриси, қурилишда сифат лойиҳадан бошланади. Ҳозирги лойиҳаларимиз мақтовга сазовор эмас. Ўрта Осиё иқлимига мос, халқларимиз миллий талабларига жавоб берадиган шарқона услубдаги лойиҳалар йўқ ҳисоби. Борларида ҳам миллийликдан нишона йўқ, миллий қадриятлар тикланаётган ҳозирги кунда бунга чек қўйиш лозим.

Қурилиш сифатига жиддий таъсир кўрсатаётган яна бир муаммо бор. Бу — режалаштириш масаласи. Очиғи, ҳали ҳам режаларни юқоридан белгилаш ҳоллари давом этяпти. Режалаштиришни тўғри йўлга қўймас эканмиз, ишимизда юксалиш бўлмайди. Менимча, режани буюртмачилар билан пудратчилар ўз имкониятларига қараб белгилашлари лозим. Режалар тузишда биноларни фойдаланишга топшириш вақтини ёз ойларига белгиласалар мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Чунки бу даврда объектнинг умумий сифат ҳолатини аниқлаш осон кўчади.

Яна бир гап. Фойдаланишга топширилаётган биноларнинг қурилиш сифатига қараб пул тўлашни йўлга қўйиш керак. Ривожланган капиталистик мамлакатларда бу усул ўзининг афзаллигини кўрсатмоқда. Бизда эса бу соҳада эскича тушунча мавжуд. Эндиликда бундай муносабатни ўзгартириш керак. Агар қурилиш сифатига қараб пул тўланса, бинокор ишни кўнгилдагидек қилиб бажаришга ва шу тариқа мўмайгина даромад олишга интилади.

Энди тайёр объектни қабул қилиб олиш масаласига келсак, комиссиялар ишини тубдан қайта қурмоқ зарур. Комиссия раислигига одатда ижроқўмларнинг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари — қурилиш режаларига жавобгар шахслар тайинланади. Бугунги кунда бу усул яхши натижа бермаётганлиги аён. Шундай экан, комиссия раислигига ўта талабчан, холис ва ўз ишини яхши биладиган мутахассис қўйилиши керак.

Умуман, қурилишда сифатни назорат қилувчи давлат бошқармаларига ва инспекцияларига амалий ёрдам кўрсатилиши, аввало уларни вилоят ижроқўмлари ихтиёридан чиқариб, бевосита жумҳурият Давлат қурилиш қўмитаси тасарруфига ўтказиш зарур. Ана шундагина қурилишда янгиланиш бўлиши, тикланаётган иншоотларнинг тез ва сифатли қилиб битказилиши таъминланади.

Қ. ҚОРАБОЕВ,
Хўжалик ҳисобидаги Андижон вилоят қурилиш ва меъморчилик ишлари назорати давлат бошқармаси бошлиғи.

Тошкент вилояти

ИШОНЧЛИ КАФОЛАТ

● Бу йилги пахта йиғим-терими мавсумнинг аввалгиларидан анча фарқ қилишини таъкидлашни истардим. Чунончи, пахтанинг харид нархи оширилди. Меҳнатга ҳақ тўлашда юқори қатъий мезонлар белгиланди. Бозор муносабатларига ўтишга тайёргарлик муносабати билан дала меҳнаткашларининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи ўткир бўлиб турди. Биз ана шу соҳаларда қатор ишларни амалга ошириб улгурдик. Яна бир тарихий воқеа — республикамиз тўла мустақиллик сари дастлабки қадамларни қўя бошлади. Юқоридаги ажойиб жараёнлар эса пахтакорларимиз руҳида, кайфиятида, бинобарин, ҳалол меҳнатида ўз аксини топди.

Масалан, айтайлик, бу йил нарх-наво бир неча баробар кўтарилиб кетди. Кундалик эҳтиёждаги айрим озиқ-овқат маҳсулотлари савдосида узилишларга йўл қўйилди. Биз ана шу кўнгилсизликларнинг ўрнини қоплаш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширган бўлсак-да, аммо ҳали улардан батамом қутулганимизча йўқ. Бироқ шунга қарамасдан, пахтакорларимиз иқтисодиётдаги мураккаб вазиятни ўз меҳнатлари билан бартараф этиш мумкинлигига ишонган ҳолда ишладилар. Бунинг учун уларга минг раҳмат.

Деҳқон учун қайси йилнинг яхши келганини эслаш қийин. Афтидан, пахтамиз ўта нозик экин бўлгани сабабли ҳам кўпроқ меҳрга, парваришга, эътиборга муҳтож бўлса керакки, биз унга гард ҳам юқтирмаслик пайидан бўламиз. Қуёш ҳарорати нормасидан кўпайиб кетса, бизни офтоб ургандай, ёнингарчилик бўлса ичимизга ёқандай ҳис қиламиз, ўзимизни. Мана ҳамма қийинчиликлар, ташвишлар орқада қолди. Баҳорда 18 минг гектар ерга қайта экилган чигит ҳам мўл ҳосил берди. Буларнинг ҳаммасига қўли қадоқ бўлса ҳам ҳалол, офтобдан юзи қорайган деҳқонларимиз: пахтакору-механизаторлар, созловчи-ю мутахассислар ғайратлари эвазига эришдик.

Давлат вилоят пахтакорларидан 330 минг 850 тонна хом ашёни қабул қилиб олди. Уларнинг асосий қисми юқори навлар билан сотилди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 26,6 центнерни ташкил этди. Жами ҳосилнинг 262 минг тоннадан зиёди ёки 80,6 фоизи машиналар зиммасига тўғри келди. Механизаторлар терган пахта салмоғи белгиланганидан қарийб 14 минг тонна кўп бўлди. Вилоят қатта хирмонига Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ пахтакорлари энг кўп улуш қўшдилар. Қуйи Чирчиқликлар гектаридан салкам 29, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ пахта усталари эса қарийб 28 центнердан ҳосил кўтариб, вилоятда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Ушбу районларда машина терими салмоғи 89—94 фоизни ташкил этди.

Вилоят муваффақиятини таъминлашда илғор хўжаликлар, бригада ва звеноларнинг муносиб ҳиссаларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Вилоятда пахта тайёрлаш йиллик режаларини бажарган Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги (бошқаруви раиси Т. Мадиёров) аъзолари энг қисқа муддатда мавсумга якун ясадилар. Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли, Акмал Икромов номли, Бўка районидаги Навоий номли жамоа хўжаликлари ҳар гектар ер ҳосилдорлигини 33—36 центнердан юқорига кўтардилар. Юқорида номи тилга олинган Ленин номли жамоа хўжаликлари машина терими салмоғи жами ҳосилнинг 97 фоизини ташкил қилди. Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги пахтакорлари эса бу кўрсаткични 98 фоиздан оширдилар. Навоий номли жамоа хўжалигидан (Бўка) Муса Исломов, Ленин номли жамоа хўжалигидан (Қуйи Чирчиқ) Жамол Сарулбоев, «Москва» жамоа хўжалигидан (Чиноз) Хурсанбой Бўрибоев, шу райондаги К. Маркс номли жамоа хўжалигидан Баҳром Умаров бошчилик қилган бригадалар кўтарган хирмон гектарига 39—40 центнердан ошиб кетди.

Ҳар йилдагидек бу йил ҳам ҳосил тақдирини ҳал қилишда механик-ҳайдовчиларимиз муҳим ўрин тутдилар. Бўкалик Эркин Абдураҳмонов, Аброр Аслонов, (Тимирязев номли жамоа хўжалиги), Қаюм Мамбетов (Фрунзе номли жамоа хўжалиги) 257—210 тоннадан пахта териб беришди.

Вилоят пахта хирмонини тиклашда Пискент, Юқори Чирчиқ, Янгийўл районлари пахтакорлари ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Вилоят деҳқонлари пахта йиғим-терими мавсумини муваффақиятли ўтказиш билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Бу — мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, олдимизда турган мураккаб вазифаларни бажара олишимизга ишончли кафолат бера олади.

С. САЙДАЛИЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши раиси.

Самарқанд вилояти

ДЕҲҚОН КОСАСИ ОҚАРМОҚДА

Республикамизнинг мустақил давлат, деб эълон қилиниши ҳамда уни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар вилоятимиз меҳнаткашларини беҳад қувонтириб юборди. Дарҳақиқат истиқлол ҳар бир кишининг юрагига эркинлик туйғуларини беради. Шу боис меҳнатимизнинг, турмушимизнинг маъноси, моҳияти ўзимизга янада яққолроқ кўринмоқда.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, деҳқоннинг ҳам косаси оқарадиган вақт келди. Жумҳурият раҳбарлари эндиликда деҳқонга том маънодаги эркинлик бермоқдалар. Бободеҳқон ўз ерининг ҳақиқий соҳибига айланиб, ҳисоб-китоб билан иш юритишни, фойда қаердаю, зиён қаердан келишни яхши тушуниб олди. Шу боис қишлоқ хўжалиги соҳасида жуда катта ўзгаришлар рўй берди.

Очиғини айтсам, Самарқандда қаторасига 8 йил пахта тайёрлаш йиллик режаси ўддаланмади. Бултур ана шу қолоқликка барҳам берилди. Мана иккинчи йилдирки, октябрь ойида марра эгалланяпти. Бу эса деҳқонларимизнинг самарали меҳнати, фидойилиги, ишбилармонлиги натижасидир. Тўғри, бу йил ҳам об-ҳаво мурувват кўрсатмади: табиатнинг инжиқликларини мардонавор енгишга тўғри келди. Ана шундай пайтда моддий манфаатдорлик, ишни оқилона уюштириш ўз кучини кўрсатди. Бугунги кунга келиб фидойи «оқ олтин» ижодкорларининг меҳнати самараси ўлароқ Самарқанднинг 360 минг тонналик пахта хирмони барпо этилди. Муваффақиятга йиллик маррани барвақт ўддалаган Пахтачи, Нарпай, Хатирчи ва Иштихон районлари заршунослари салмоқли улуш қўшдилар. Умуман ҳосилнинг 81 фоизи юқори навларга сотилди. Нарпай, Пахтачи ва Хатирчи районларида бу кўрсаткич 93—94 фоизга етказилди.

Эришилган ғалабанинг мезонлари авваламбор агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилганлиги ҳамда меҳнатнинг оқилона ташкил этилганлигидадир.

Тажрибага кўра, камҳосилли ва бизнинг шароитга тўғри келмайдиган пахта навлари майдони кескин камайтирилди. Уларнинг ўрнига «Қирғиз—3», «С—9070» каби тезпишар навлар экилди. Дарвоқе биз уруғчиликда холис амалий ёрдам кўрсатган фарғоналик, наманганлик дўстларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

Пахта йиғим-теримида ортиқча дабдабага, шиорбозликка чек қўйилди. Энг муҳими, иш бевосита моддий манфаатдорлик асосида уюштирилди. Бирмунча район ва хўжаликларда рағбатлантиришнинг янги кўринишлари жорий этилди. Жумладан, Иштихонда бутун мавсум давомида икки қаторли машинада терилган пахтанинг ҳар тоннасига 55 сўм, тўрт қаторли машинада терилганига эса 50 сўмдан тўланди. Шуниси характерлики рағбатлантиришлар бевосита пайкалларда, дала шийпонларида ўтказилди.

Ялпи ҳосилнинг 210 минг тоннаси ёки 60 фоиздан кўпроғи «пўлат этак»лар ёрдамида териб олинди. Пайариқ ва Большевик районларида ҳосилнинг 70 фоиздан кўпроғи механизаторлар ҳиссасига тўғри келди. Умуман ҳар бир машина билан вилоят бўйича ўртача юз тоннадан пахта терилди. Иштихонлик Раббим Яхшибоев, пахтачилик Рустам Ҳақбердиев, нарпайлик Бахтиёр Ниёзов, каттақўрғонлик Убайдулла Қодиров сингарилар бункерлардан 250 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Самарқанд вилоятида аҳоли зич жойлашган. Шуни ҳисобга олиб қўл теримига ҳам жиддий эътибор берилди. Айниқса уруғлик пахта етиштирадиган хўжаликларда бу иш яхши бўлди. Хусусан Муяссар Юсупова, Ойсара Аллонова, Эргашой Собирова, Муҳаббат Тожиева каби чеварлар мавсум давомида 9 тоннадан хирмон уйдилар.

Ҳосилдорлик энг асосий масала ҳисобланади. Пахтачилик «оқ олтин» ижодкорлари ҳар гектар майдондан 30 центнердан, иштихонликлар 29, нарпайлик ва каттақўрғонликлар эса 28 центнердан ҳосил кўтардилар. Нарпайдаги «Ғалаба», Пахтачидаги «Самарқанд», «Коммунизм», Иштихондаги «8 Март» жамоа хўжаликларида бу кўрсаткич 40 центнердан ошиб кетди.

Дарвоқе, ҳосилдорлик яхши бўлганлиги туфайли даромад ҳам шунга яраша бўлди. Бу йил биринчи марта пахтадан бир миллиард сўмдан орттириб даромад қилиш, 250 миллион сўм атрофида соф фойда олиш мўлжалланмоқда.

Муваффақиятларимизнинг асосида юқорида айтганимиздек, меҳнатни ташкил этишнинг янгича усуллари ётибди. Жорий йилда 852 бригада ва 3176 звено пудрат усулида ишлади. Бундан ташқари пахтачиликда 17 оилавий звено ҳамда 293 ижара жамоалари фаолият кўрсатдилар.

Миришкорларимиз ўз сўзлари устидан чиқдилар. Далаларда ҳали йиғим-терим давом этмоқда. Биз яна 15 минг тонна пахта териб олишга сўз берганмиз. Бу эса самарқандликларнинг жумҳурият мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссалари бўлади.

П. АБДУРАҲМОНОВ,
Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг раиси.

АҲДГА ВАФОДА МОНАНД — ТОШКЕНТ БИЛАН САМАРҚАНД



● Оққўрғон районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги ҳам вилоят хирмонига маълум ҳисса қўшган.

СУРАТДА: (чапдан) илғор механизатор Э. Қўшмонов, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Э. Ниёзов ва 3-бригада бошлиғи Х. Алимов.

● Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги механизаторлари жами ҳосилнинг 80 фоиздан кўпроғини ўз бункерларидан бўшатдилар.

СУРАТДА: (чапдан) илғор механик-ҳайдовчилардан Шуҳрат Шоҳўжаев ва Тошпўлат Юнусов.

А. МАЛЬЦЕВ олган суратлар.

● Каттақўрғон районидаги «Пролетарий» жамоа хўжалигида ҳар гектар майдондан режадаги 27 центнер ўрнига 32 центнердан хирмон кўтарилди. Пахтанинг 75 фоизи машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди.

СУРАТДА: машина терими пайти.

● Челак районидаги «Пайариқ» давлат хўжалигининг механик ҳайдовчиси Асқар Тўраев мавсумда 200 тонна пахта терди.

СУРАТДА: моҳир механизатор Асқар Тўраев.

Ғ. АЛИЕВ олган суратлар.

БИРИНЧИ БЎЛИШДА СИР ЙЎҚ

● Оиламиз ижара пудратига ўтгандан бери йиллик режаларимизни биринчилардан бўлиб бажариб келамиз. Мендан кўпинча бунинг сири нимада, деб сўрашади. Мен ҳеч қандай сир йўқ, фақат деҳқончиликни, қилаётган ишингни яхши кўришинг керак, деб жавоб бераман.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Масалан, пенсияга чиққанимга уч йил бўлди. Лекин далани ташлаб кетолмадим. Жамоага озгина бўлса ҳам фойдам тегсин, деб оилавий звено туздим. Бу йил 30 гектар ердаги ғўзани парваришладик. 6 гектар майдонда каноппоя етиштирдик. Иккала экин бўйича ҳам хўжаликда биринчи бўлиб йиллик режани адо этдик. Давлатга 60 тонна каноппоя топшириб, бу соҳадаги режа 172 фоизга етказилди. Унинг ҳар бир тоннаси учун давлат бизга 1184 сўмдан ҳақ тўлади.

Ўзингизга маълум, баҳорда кўп жойда чигитни қайта экишга мажбур бўлинди. Кўпгина бригадаларда ҳали ҳам терим давом этмоқда. 12 кишилик звеномизда терим асосан тугалланди. Режадаги 80 тонна ўрнига 140 тонна пахтани давлатга сотдик. Ҳосилнинг энг кўп қисмини механизаторимиз Турғунбой Ҳайитов териб берди. Ирисгул Жўрабекова, Жумахон Даврановалар йиғим-теримда зўр ғайрат кўрсатиб ишлашди. Айни пайтда йиллик режанинг бажарилиши 140 фоиздан ошиб кетди.

Пахтанинг харид нархлари ошганидан янада кўпроқ манфаатдор бўлдик. Хомчўтларга қараганда оиламиз ҳар бир аъзосининг ўртача даромади 6 минг сўмданга тўғри келади. Менинки 15 минг сўмга яқинлашади. Бу ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўпдир.

Яна юқоридаги «сир» ҳақида. Ҳар қандай экин ҳам нафас олади, озиқланади. Касал бўлганда алоҳида парвариш, алоҳида меҳрга муҳтож. Биз, оила аъзоларимиз билан экиннинг кунлик эҳтиёжини қондирмагунча далани тарк этмаймиз. Деҳқончиликдаги салкам 40 йиллик тажрибам шуни тасдиқлайди. Сен ерни боқсанг, у сени боқади, дейишларининг боиси ҳам шу бўлса керак.

М. ИСМАТУЛЛАЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги ижарачиси.

ҲАМ МАВСУМ, ҲАМ ҚИШНИ ЎЙЛАБ

Янгийўл районидаги «Октябрь» жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил 438 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Ўнта пахта териш машинаси жами ҳосилнинг 70 фоизини йиғиштириб берди. Эркин Соибқозиев, Абдуразоқ Умаров, Турсунқул Дўйсибоев ўртоқлар бошлиқ бригадалар механизаторлари барча ҳосилни бункерлардан бўшатишди. Маъдан Пардаев, Комил Тўраев, Рўзиохун Тўхтаев, Сайдулла Тўқлиев сингари механик-ҳайдовчилар мавсумда 150 тоннадан кўпроқ пахта териб беришди.

Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарори муносабати билан машинада терилган ҳар тонна пахта учун 25 сўм, қўлда терилган ҳар килограмм пахта учун эса 40 тийиндан ҳақ тўланди. Мавсум бошланиши билан ташкил этилган пахта штаби пахтакорларга қулай шароитлар яратиб берди. Ғамхўрликни ҳис қилган миришкорлар хирмонга қўшаётган улушларини кўпайтириб бордилар. Зулайҳо Усмонова, Эркиной Аширалиева, Турсуной Раҳимова, Турдигул Дайрабоева сингари илғорларнинг ҳар бири мавсумда 8—10 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилишган эди. Миришкорлар ҳар куни хирмонга 100—130 килограммдан пахта тўкишга эришдилар.

— Ўзбекистонимизнинг мустақил деб эълон қилинган куни бу ерда тўй бўлиб кетди, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ў. Тўрақулов. — Бундай тантана бизда фақат Наврўз байрамларида бўларди. Деҳқонларимиз шу куни республика мустақиллиги шарафига бу йилги режаларини ошиғи билан адо этишга шай эканликларини билдиришган эди. Мустақилликни амалда қўллаб-қувватлаш учун катта масъулият билан ишладилар.

Ҳозиргача қишлоқ хўжалиги барча тармоқлари бўйича йиллик режа ортиғи билан бажарилди. Давлатга гўшт, жун топшириш режалари адо этилди. Сут сотиш режаси ҳам уддаланди. Нафақат ҳозирги пахта теримини, балки қишга тайёргарликни ҳам ўйламоқдамиз. Жумладан, давлатга топширилганидан қолган 100 тонна маккажўхори дони аҳолига бўлиб берилади. Айни пайтда Сирдарё вилоятидан 140 тонна буғдой ташиб келтирилиб, ҳар бир оилага 300 килограммдан бўлиб берилади. Бундан ташқари жамоа тарихида биринчи марта карам, помидор ва бодрингдан тузламалар тайёрланмоқда. Эҳтиёждан ортиб қолганини дўконларда сотишимиз мумкин.

Хуллас, жамоада бугунни, ҳам, эртани ҳам ўйлаб иш олиб борилмоқда. Бу — ҳаёт тақозоси.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЧЎНТАККА ПУЛ ТУШМОҚДА

Бундан уч-тўрт йил илгари Самарқанд вилоятида бир кунда йиллик режанинг 2,5-3 фоизи миқдорида пахта тайёрланди, десангиз ҳеч ким ишонмасди. Кўпчилик йиллик режанинг тўлмаслигига ҳам кўникиб қолганди. Эндиликда эса бу ерда тўрт, ҳатто 5 фоиз миқдорида ҳосил тайёрланди. Пахтачи, Нарпай районларида бу кўрсаткич янада юқори бўлди.

Пахтани эрта пишириш ва қисқа муддатда териб олиш борасида Иштихон райони деҳқонлари тажрибаси, айниқса, ибратга молик.

— Ҳамма гап моддий манфаатдорликда экан, — дейди район ижроия қўмитаси раиси З. Зиёдов. — Деҳқон маошини озроқ ошириб, ерни пудратчиларга бўлиб бергач, одамларнинг ўзи даладан кетмай қўйди. Биз эса фақат яхши навларни тайёрладик, хизмат кўрсатишни уюштирдик.

Иштихон деҳқонлари агар яхши меҳнат қилинса, мўмай даромад олиш мумкин эканлигини амалда кўрдилар. Айниқса, ташқи иқтисодий алоқа уюшмаси тузилгандан кейин деҳқонлар пахтанинг ҳақиқий баҳосини билдилар. Очиғи, бу идорани тузиш учун район раҳбарлари минг эшикка сарғайдилар, катталарга ёмон кўриндилар. Ўтган йили режадан ортиқча ишлаб чиқарилган 5,5 минг тонна пахта уюшма томонидан тозаланди, қайта ишланди ва четга сотилди. Фойдаси бевосита район меҳнаткашларига насиб этди. Аввалига кўплаб миқдорда чет эл моллари келтириб сотилди. Аҳоли жон бошига 28 метр газмол тарқатилди. Бундан ташқари одамларга арзон нархда 2 минг тонна шелуха, 300 тонна ёғ улашилди. Маҳаллий бюджетга 200 минг сўм пул қолди. Ҳисоб-китобларга қараганда хазинада яна бир миллион сўм пул турибди. 1,5 минг тонна тола ҳам бор. Демак, ҳали чўнтакка яна пул тушиши аниқ.

Йиғим-терим арафасида уюшма ҳар битта механизаторга бепул бир қоп ун, беш килограмм қант, тегишли миқдорда совун тарқатди. Одамларда пахтага нисбатан ҳурмат уйғонди.

Бултур 49 минг тонна «оқ олтин» тайёрланган эди. Жорий йилда пахта майдони 1600 гектар майдонга камайди. Бироқ деҳқонлар ўтган йилги даражада ҳосил олишга аҳд қилишган. Агар Иштихон ерлари қумлоқ ва тошлоқ эканлигини ҳисобга олсак, гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил кўтариш нечоғлик мушкул эканлигини биламиз.

Мавсум бошиданоқ машинада терилган ҳар бир тонна пахтага 50 сўм, қўлда терилган қар килограмм пахтага 40 тийиндан ҳақ бериш белгиланди. Одамлар ёппасига отланишди. «8 Март» жамоа хўжалиги суворийси Назар Рўзимуродов бир беш кунликда 100 тонна пахта терди ва беш минг сўм пул ишлади. Унга иш ҳақи тантанали равишда топширилди. Бу тадбир бошқаларни ҳам руҳлантириб юборди. Ҳозирга қадар Ҳ. Эшназаров, Х. Бозоров, О. Эргашев сингари «пўлат от» суворийлари ҳам 160—190 тоннадан пахта териб қўйдилар.

— Бу йилги ҳосил салмоғини кўриб олимларнинг хулосасига ҳам ишонмай қолдим, — дейди ҳазил билан Э. Қорабоев номли хўжалик бригада бошлиғи Носир Нормуродов. — Сентябрь ойида Қорақишлоқни пахта босиб кетди. Биринчи теримда 30 центнердан ошириб ҳосил олгандик. Эрта-индин бу кўрсаткични 55 центнерга етказамиз.

Иштихон далаларида сафарбарлик. Ҳар куни теримда ўн минг киши қатнашмоқда. Дарвоқе, уч йилдирки, деҳқонлар ҳосилни ҳашарчиларсиз териб олмоқдалар. 250 та терим агрегати юксак унум билан ишлаётир.

Агар ўртада ёмғир бўлмаганда аввалроқ мажбурият ҳисобига пахта топширардик, — дея суҳбатга якун ясади З. Зиёдов. Йўл-йўлакай уюшма учун ҳам пахтани ғарамлаб қўяяпмиз. Айтгандай, бу йил олти минг тонна ҳосилни қайта ишлаб, четга сотамиз. Демак, деҳқон косаси албатта оқаради. Бунга ишонамиз.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Вилоят пахтакорлари давлатга 330 минг 850 тонна пахта топширдилар.

● Механизаторлар режадан ташқари 13 минг 837 тонна пахтани териб беришди.

● Қуйи Чирчиқ райони деҳқонлари жами ҳосилнинг салкам 94 фоизини техника воситалари ёрдамида териб олдилар.

ХОСИЯТ

Деҳқончиликда агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва шароитга қараб ўтказилиши катта аҳамиятга эга. Биз йиллар давомида ана шу қоидани унутиб қўйдик. Юқоридан топшириқлар кутдик. Шу боис агротехник тадбирлар кўр-кўрона бажарилди. Натижада жуда кўплаб хўжаликларда пахтачилик технологияси барбод бўлди.

Мана икки йилдирки, биз ана шу буйруқбозликдан қутилдик. Деҳқончилигимизни ўз билганимизча, тадбиркорлик, тажриба илмига таянган ҳолда амалга оширяпмиз. Шу боис деҳқонларимизнинг ўзлари ҳар бир юмушни қойилмақом қилиб уддалашяпти.

Участкамиз бўйича ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил кўтардик. Ялпи ҳосил хўжалик хирмонининг қарийб ярмига тенг. Очиғи, барча экинларимиз насос ёрдамида сув ичади. Шунга қарамай бирор туп ғўзани ҳам чанқатмай парваришладик.

13 та бригада аъзоларининг ҳаммаси ёппасига далага кўчиб чиқдилар. Улар шудгорлаш бошлангандан кейин қишлоққа қайтадилар. Одамларнинг ишлаши, яшаши учун дала шийпонлари ва махсус уйларда ҳамма шароитларни яратиб қўйибмиз.

Муҳими, деҳқонларда туғанмас фидойилик мавжуд. Ахир, чўл шароитида 37 центнердан ҳосил кўтаришнинг ўзи бўлмайди-да. Тўйчи Ҳасанов, Ҳаким Қобилов, Мавлон Ҳамроев бошлиқ бригадаларда ана шундай кўрсаткичга эришилди.

Деҳқоннинг асосий қуроли — тажриба ва илмдир. Аъзоларимиз бу борада ўзига хос малакага эга бўлдилар. Демак, келаси йил хирмони янада баракали бўлади.

М. МАЪМУРОВ,
Каттақўрғон районидаги Тельман номли жамоа хўжалиги участка агрономи.

КУНДАГА ҚЎЙИЛГАН БОШ

ЁКИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛЛАРИ ХУСУСИДА СЎЗ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Ўйланиб қолдим. Ҳеч нарса дейишга ҳаққим йўқ. Чунки қаршимда тирик тарих, гувоҳ турибди. Кўп нарса йўқотдик, деганларнинг гапини такрорласаммикан?! Балки орзуларимиз етти етим бўлиб қолганини гапирсамми? Бир лаҳзада хаёлимда ана шу сингари ўн саккиз минг савол айланди. Жавоб эса юракда экан.

— Сайлаш ҳуқуқини орттирдик. Аммо шуни ҳам баъзан раҳбарнинг алдовқалдовига алмаштирдик, баъзан лоқайдлик йўлига қурбон қилдик, баъзан кимгадир, нимагадир сотдик... Ана шунинг учун ўнгланмаяпмиз. Чунки бу ҳуқуқ ўзимизнинг қисматимиз, онамизнинг тақдири, отамизнинг армони, боламизнинг истиқболи эди. Биз эса буни гоҳ англаб, гоҳ англамай топтадик. Бу ҳуқуқ Ўзбекистон эди. Ўзимиз уни менсимадик, қўш қўллаб манфаатпарастларга топшириб қўйдик...

Жавобим чўзилиб кетди. Аммо отахон индамай қўлини фотиҳага очди:

— Илоё худо менинг гуноҳларимни авф этсин. Мен энди ким учун, нима учун овоз беришимни биламан. Фақат менинг овозим билан Ўзбекистон ўнгланармикан? Тангридан ўтинчим шуки, менга ўхшаганларнинг кўксига Ўзбекистон учун овоз бериш ҳукмини солсин!

Бу қуруқ ва қизил гапларга ўхшайди. Йўқ, бу оддий ҳақиқат. Халқимизнинг кўзини боғлаб қўйишган, тилини «қўрғошинлаб» ташлашган эди. Шу боис унга оқ ҳам қора рангда кўринар, дилидаги гапи ўзининг шахсий мулки бўлиб қолаверарди. Унинг яккаю ягона эрки —сайловдаги овозини юлиб олиб катта минбарлардан гапирадиган ўғил-қизлари ҳам гунг ва кар эдилар. Улар гапирардилар, лекин асосан ўргатилган, ёзиб берилган, тўқилган, ўйлаб топилган бўларди бу гап. Улар эшитардилар, бироқ халқ дардини, аламини эмас, кўпинча юқоридаги тўраларнинг «ҳикматларини». Аммо бугун халқнинг кўзи очиқ, дилидагини гапиряпти. Зеро, қаердаки сўз тирик экан, демак ўша жойда ҳали ҳаёт бор.

Аммо отахоннинг «Фақат менинг овозим билан» деган титроқ саслари ҳамон қулоқларим остида. Бу жумбоқ замиридаги маънони Ўзбекистон Олий Кенгаши биринчи сессиясида англадим. Жумҳурият тақдири муҳокама бўлаётган чоғда «Фақат икки дақиқага сўз беринг, Ўзбекистон тақдири билан боғлиқ таклифим бор!» дея раисга хат ёздим. Кейин ёнига бориб илтимос қилдим. «Майли» деган жавоб олдиму, сўз ололмадим. Нима демоқчи эдим

«Азиз дўстлар! Биродарлар фақат бир ёқлама мустақиллик ҳақида ўйласак, хато қиламиз. Аввало бизга иқтисодий мустақилликни эркин фикрлашимиз учун мафкуравий, маънавий, ахлоқий мустақиллик зарур. Шу боис ҳар иккаласини ёнма-ён муҳокама қилайлик. Бизнинг қадриятларимиз, маданиятимиз, пок ахлоқимиз Ғарбдан кириб келаётган яланғоч бўронга учраб таназзулга юз тутмоқда. Қачонгача мажбурий «тарбия» таъсирида бўламиз? Бугун мафкуравий бўрон йўлларини ёпайлик...».

Раислик қилувчи сўз бермагандан кейин депутатларга мурожаат қилдим.

— Фақат бир дақиқа сўз беринглар, жумҳурият тақдири билан боғлиқ таклифим бор!

«Вақт кетяпти», «Бу аҳволда қачон уйга қайтамиз», «Йўқ бермаймиз...». Шу дақиқада халқ билан юзма-юз бўлмаган, бир мавзедан фақат ўз номзодини қўйиб, одамларни танловсиз сайловга рўбарў қилган ва сайлов эмас, сайлов нашъасини сурган «фарзандлар» нафасини сездим.

Индамасдан кета олмас эдим. Президент ҳузурига бордим. Таклифимнинг маъносини шарҳлаб бердим:

— Нега олдинроқ менга айтмадингиз, — деди у киши — йўли бор, қарорга қўшиш керак.

Шундай қилдик, Ш. Р. Мирсаидов маърузаси юзасидан тайёрланган қарор кун тартибидагидан ўзгачароқ бўлди. Иқтисод сўзидан кейин мафкура калимаси битилди.

Хўш, ғишт қолипдан кўчибди, бу хусусда тўхталишга ҳожат борми, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, ўша нафас сессия охиригача ҳукмронлик қилди. Исташса, муҳокамага чек қўйишди, исташса саволларни бўғишди. Ниҳоят, сессия якунланаётган кунда бу яна ҳам ёрқинлашди.

Бир кун аввал жумҳурият дарди — ҳарбийга чақирилувга доир масала элни титратди. Кимдир ёниб сўзлади, кимдир тутаб, кимдир йиғлаб гапирди, кимдир лоқайдлик билан. Қарор ҳеч кимни қониқтирмади. Шу сабабдан эрталаб яна шу масалага қайтиш зарурати ўртага қўйилди.

Ким учундир темир тобутларнинг ичида ётган жасадлар бегона, аммо даладаги иш муҳим! Ким учундир тинч кунларда армиядан кўз қароси, жигарбанди — ўғлининг ўлигини олиб келган отанинг, онаизорнинг бўзлашлари ҳеч нарса эмас, аммо далага бориб буйруқбозлик қилиш зарурат.

Рим файласуфи Эпиккетнинг сўзлари ёдимга тушади: «Одам пулсиз, уйсиз, ер-мулксиз қолса садқаисар — буларнинг ҳаммаси унга тегишли эмас. Инсоннинг ўз ҳақиқий мулки — қадр-қимматини йўқотиши ачинарлидир». Ҳа, бу мулкни сақлаб қолиш керак. Бунга эришмасак «адашганлар» сафига қўшилиб кетаверамиз. Юрт дарди, эл-улус дардидан йироқ қоламиз. Ҳаёт эса барибир ўз ҳукмини чиқаради.

Аммо ана шу адашганлар қисқа вақтда мустақиллик эълон қилишгача йўлни босиб ўтдилар. Уларга ишонгим келади. Уйғонаётган юртга, уйғонаётган ўғлонларга ишонгим бор. Фақат улар энди яна кўзларини юммасликлари, юрт тақдири ҳал бўлаётганда пинакка кетмасликлари зарур. Акс ҳолда буюк мустақиллик, эндигина кўкара бошлаган демократиямиз, ҳали бугун кўзи очилаётган булоқ — ошкоралик қўлимиздан кетади. Буни истамайдиганлар кўп. Ўзбек элини манқуртлар элига айлантириш умидида жон фидо қилаётганлар оз эмас.

Шу пайтгача кўп адашдик. Энди адашиш — ҳалокат. Бугун — синов. тарихий синов даври. Синов даврида адашганлар дўзахнинг энг оловли ҳилқатларига тушган каби азоб чекишлари аниқ. Худо ўзи асрасин адашмоқдан!

«КУЧ АДОЛАТДАДУР!»

Яқинда ўзини дунёга устун деб юрган сиёсатдонлардан бири «Россия суверенитет ҳақида ҳаракат бошлади-ю, ҳамма унга эргашиб қолди» деб ёзди. Бироқ мустақиллик учун бизда кураш бошланганда шу зот туғилмаган эди. Номоз Ботирдан тортиб чўлу биёбонларда, тоғу-тошларда жон берган минглаб Мадаминбеклар нима учун жон бердилар? Тўғри, ҳали биз ўзимиз уларни англай олмаяпмиз. Бироқ бу бор, бўлади!

Кейинги йилларда дардимиз ичимизда эди. Илк марта сайловлар арафасида камина ҳам очиқчасига гапирдим. Сайловолди дастурининг биринчи талаби этиб, халқ иродасини ифодалаб Ўзбекистон мустақиллиги учун кураш масаласини қўйгандим. Етилган масалалар — жамият чириб битгани, эл-улус қулга, манқуртга айланиб қолаётгани, дунёнинг энг мазлум ўлкаси бизнинг юрт экани ва хуллас, жамики дардларимиздан фақат мустақиллик туфайли ҳалос бўлишимизни ёзгандим.

Юқорида айтганимиздек, Олий Кенгашнинг биринчи анжуманида мустақиллик деган сўз кўпларни чўчитиб юборди. Аммо ўша чўчиганларнинг юраги ҳам мустақиллик, деб тепаётгани юзларидан аён эди. Сўнгра бу муҳим масала Олий Кенгаш Раёсатида кўтарилди... Кўплаб депутатлар Ўзбекистон Олий Кенгашининг II сессияда «Мустақиллик декларацияси» қабул қилиниши учун қаттиқ турдилар. Унга эришиш учун олиб борилган жанг алоҳида ёзилажак катта мавзу...

Маълумингиз, Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг розилиги ва қўллаб-қувватлаши билан «Мустақиллик декларацияси» II сессияда эълон қилинди.

Тасаввур қилинг: қанча асаб торлари узилди, қанча юрак-қон томирларида тугун пайдо бўлди. Шундан кейин ҳам мустақиллик ўз-ўзидан келди, деб айтишга асос қоладими?

Назаримда асосий кураш ҳали олдинда.

Зеро, етмиш йиллик давр тафаккуримизни заҳарлади, фикримизни занжирбанд айлади, шу боис бугун икки дарё оралиғидан чиқиб жаҳонни лол қолдира олмаяпмиз. Шу сабаб ҳали ҳам бандага бандамиз, Аллоҳга эмас!

Етмиш йиллик давр қўлимизга кишан солди. Шу боис маънавияти юксак, санъаткор, меъмор халқнинг қўллари фақат «оқ олтин» яратишга ярайдиган бўлиб қолди. Самарқанд, Хива, Бухоро орзуга айланди. Жаҳон бозорини ҳайратга соладиган маҳсулотимиз ҳам йўқ ҳисоби. Ҳали кишан парчаланмаган, ҳали қўллар ўз ҳолига қайтмаган.

Етмиш йил оёғимиз боғлаб қўйилди. Оқибат депсинишни ўргандик. Юриш, югуриш ёдимиздан чиқди. Жойимизда айланиб турибмиз, ҳайҳот!

Етмиш йил... еримиз ўлди, ҳаво заҳарланди, сув ифлос бўлди, вужудимиз камқонли бўлди, сариқ касаллиги миллат хасталигига айланди, Орол қуриди, обидалар емирилди, санъат сайқал топмади, ахлоқ айниди, диёнат, имон, эътиқод унутилаёзди... Мана бизга истиқлол кунида қолган мерос. Мана бизнинг яқин келажагимиз, мана бизнинг кураш, жанг майдонимиз.

Ҳа, ҳали бошимиз кундада. Бошни даст кўтариш учун ана шу ваҳий, оғир мерос — қонли қилични синдирмоқ керак. Бу эса куч талаб қилади. Ҳазрат Темур «Куч адолатдадур!» дегандилар. Демак, энг аввал адолат йўлини, ҳамжиҳатлик йўлини танлашимиз, зарур экан. Ўшандагина бошимиз узра ярақлаб турган қилични улоқтирамиз.

Жаҳонгир МУҲАММАД,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Зайнаб САДРИЕВА

Ўзбекистон театр санъати оғир жудоликка учради. Моҳир санъаткор, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати Зайнаб Садриева шу йил 31 октябрь куни 80 ёшида вафот этди.

Зайнаб Садриева 1912 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1930 йилда Тошкент хотин-қизлар педтехникумини тугаллади. Ўша йилиёқ Ҳамза номидаги академик театрига қабул қилинган Зайнаб Садриева шу даргоҳда то 1987 йилгача узлуксиз ва самарали фаолият кўрсатди. У 1987 йилдан то умрининг охиригача А. Ҳидоятов номидаги («Ёш гвардия») Ўзбек давлат драма театри жамоасида ижод қилди.

Ўзбек театри тарихида Зайнаб Садриеванинг олтмиш йил давомида саҳнада яратган бир неча ўнлаб образлари томошабинлар қалбидан чуқур жой олган. К. Яшиннинг «Тор-мор» драмасида Эмиля, А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясида Ўғилхон, М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожеасида Гавҳаршодбегим, Айниқса, С. Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедиясида Фармонбиби образлари Зайнаб Садриева иқтидорининг янгидан-янги жилоларини намойиш этди, саҳна санъатига ўзига хос йўналиш олиб кирди.

Зайнаб Садриеванинг театр санъатини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени, қатор медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Моҳир ижрочи, ажойиб истеъдод соҳиби, меҳрибон мураббий Зайнаб Садриеванинг ёрқин хотираси унинг кўплаб мухлислари қалбида узоқ сақланиб қолади.

И. Каримов, Ш. Мирсаидов, Ш. Йўлдошев, Э. Самандаров, Б. Назаров, Шукрулло, Н. Ғойибов, Б. Қориева, М. Қаюмов, А. Жабборов, С. Эшонтўраева, Н. Раҳимов, З. Муҳаммаджонов, Яшин, С. Аҳмад, Б. Йўлдошев.

АНДИЖОН ҚОРИХОНАСИ

● **АНДИЖОНДА йирик қорихона қурилиши бошланди. Биринчи ғишт қўйиш маросими ўзига хос анъанага айланди. Иирида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назорати раиси муфти Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф ҳазратлари ва маҳаллий жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.**

Диний билимгоҳнинг бунёд этилиши республика мустақиллигининг куртак ёзаётганидан далолатдир. Бу ерда асосан Қуръонни тиловат қилиш маҳорати ўргатилади. Бўлажак билимгоҳ талабалари Ислом динининг кўп асрлик тарихи саҳифаларидан абадий жой олган маҳҳур қорилар, ўзининг тиловат маҳорати билан шуҳрат қозонган имом Опим тажрибаларидан баҳраманд бўладилар. Билимгоҳнинг имом Опим номи билан аталиши ҳам шу ниятнинг ифодасидир. Қорихона қурилишига хоразмлик усталар яқиндан ёрдам беришмоқда.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

5—10 ноябрь

5, сешанба

● **УзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Кўчатлар». Бадиий фильм. 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».

18.10 Мультфильм. 18.30 «Жамоат ташкилотларида». 19.00 «Деҳқон юмушлари». 19.50 «Шеърият дафтаридан». 20.10 «Ўлмас мерос». Телефильм. 20.25 «Ҳаётнинг олдинги марраларида». 21.25 «Спортлото». 21.30 «Доира довруғи». 22.20 «Кино. Кино. Кино».

МТ — «ОРБИТА—IV»

9.30 «Она». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. 11.45 Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида. «Чемпионлар билан биргаликда». 12.45 «Йўқолсин бодринглар қироли». Телевизион спектакль. 14.10 Биржа янгиликлари. 14.25 «Болалар мусиқий клуби». 14.40 «Ён дафтар» 14.45 «Телемикст». 15.45 «Пикью—00 ва бошқалар...». Ҳужжатли-публицистик фильм. 16.45 «Икки овоз учун куй». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.45 «Машенька» телевизион бадиий фильми таништирилади. 19.00 ТСН. 19.15 «Она». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. 22.10 Жаҳон опера саҳнасининг юлдузлари. 23.10 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси». Телевизион фильм премьераси. «Алёша». 1 ва 2-сериялар. Танаффус пайтида — Биржа янгиликлари ва ТСН. 01.25 Епископ Василий Родзенко билан суҳбатлар. 01.55 «Она». Телевизион бадиий фильм пермьераси. 2-фильм.

6, чоршанба

● **УзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Иван ва Марья». Бадиий фильм. 10.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

18.10 Мультфильм. 18.20 «Чорвадор». 18.45 «Хоразм». Манзарали фильм. 18.55 «Хат ва ҳаёт». 19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 20.10 Э. Воҳидов. «Муҳаббат наволари». Адабий-мусиқий кўрсатув. 21.25 СССР халқ артисти Наби Раҳимов таваллудининг 80 йиллигига. «Санъаткор ҳаётидан икки кун». Телефильм. 22.00 «Зўр ўтирибмиз». Бадиий фильм.

МТ — «ОРБИТА—IV»

9.30 Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида. «Ҳамманинг кучуги». Бадиий фильм (Венгрия). 10.30 Мультфильм. 10.45 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси. Телевизион фильм премьераси. «Алёша». 1 ва 2-сериялар. 12.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

14.40 «Ён дафтар». 14.45 «Телемикст». 15.45 Учинчи ёш. «Бугун ва ўша пайтда...». 17.20 Мультфильмлар. 17.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 19.00 ТСН. 19.15 «Қизиқувчилар олами». 19.30 «Даврани кенгроқ олинг». 22.10 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финаль. «Динамо» (Москва) — «Канн» (Франция). 24.00 ТСН. 00.15 «Ит юрак». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

7, пайшанба

● **УзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Курьер». Бадиий фильм. 10.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 10.45 «Қўшиғим, жон қўшиғим». 11.40 «Актёрлар ва роллар». Мамажон Нурматов. 12.40 «Экран табассуми». 13.30 «Анҳор» қаҳвахонаси таклиф этади». Мусиқий кўрсатув.

18.00 Мультфильм. 18.30 «Кичкинтой» устахонаси. 18.50 Кинолавҳа. 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.50 Авазбек Маҳмудов, Озода Мадраҳимова куйлайди. 20.20 «Ки, сен ҳам ҳур туғулғонсан...». Эрк Демократик партияси. 2-кўрсатув. 21.25 «Севги сурури». Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди. 22.25 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм.

МТ — «ОРБИТА—IV»

8.30 «Анастасия». Ҳужжатли фильм премьераси. 8.40 «Бу эски қадрдон қўшиқлар...». 9.30 «Биз кўрган кунлар». 1-фильм. 9.45 Мультфильмлар. 10.30 Тарих ва одамлар. «Француз инқилоби пайтининг хроникаси». 11.30 Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида. «Тутқич бермас қасоскорлар». Бадиий фильм. 12.45 «Биз кўрган кунлар». 2-фильм. 13.00 Информацион кўрсатув. 13.10 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финал. «АЕК» (Греция)— «Спартак» (Москва). 2-тайм. 14.10 Мультфильм. 14.20 «Биз кўрган кунлар». 3-фильм. 14.35 А. Хачатурян М. Лермонтовнинг «Маскарад» драмасига ёзган мусиқасидан сюита. 14.55 «Тасодифий фазилатлардан воз кеч». Шеърий композиция. 15.20 «Биз кўрган кунлар». 4-фильм. 15.35 «Биз джазда чаламиз». Бадиий фильм. 17.00 «Муз устида миллион» хоккей турнири. «Алиса» кубоги. Танаффус пайтида Информацион кўрсатув. 20.00 «Биз кўрган кунлар». 5-фильм. 20.25 Информацион кўрсатув. 20.35 Балет артистларининг концерти. 21.00 «Биз кўрган кунлар». 6-фильм. 21.15 «Россия тароналари» телерадиотанловининг совриндори «Келу» ансмбли ижро этади. 22.10 «Биз кўрган кунлар» 7-фильм. 22.40 1991 йил қўшиқлари. 00.10 «Ёрқин сиймо». Бадиий фильм. 01.30 «Нижегород матрёшкалари». Телевизион ҳужжатли фильм. 02.00 Мулоқотлар, мулоқотлар, мулоқотлар.

8, жума

● **УзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Сеҳрли орол». Бадиий фильм. 9.35 «Саёҳат—танга роҳат». 10.20 Болалар учун. «Биргаликда куйлаймиз». 10.50 «Футбол майдонларида». 11.20 «Машрабни куйлаб». Фильм-концерт. 12.00 «Шошма, Қуёш!». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

18.00 Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Табиат алифбоси». 18.50 «Замон ва маросимлар». 19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 20.00 Дуторчи қизлар пахтакорлар ҳузурида. 21.25 «Севги соҳили». Киноконцерт. 22.05 «Довюрак капитан қиссаси». Бадиий фильм.

МТ — «ОРБИТА—IV»

8.30 Мультфильмлар. 9.00 ТСН. 9.15 Таэквандо. «Самсунг». кубоги 9.35 «Коровьев марш» ҳақида хотиралар». Телефильм премьераси. 10.35 «Кинопанорама»га илова. 11.05 Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида. «Золушка ҳузурида зиёфатда». 12.05 Режиссёр С. Колосов фильмлари. «Исмингни ёдингда тут». 13.40 Лариса Трухина билан учрашув. 14.10 Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида». Тутқич бермас қасоскорларнинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм. 15.45 «Коммунизм бўладими?». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 17.00 Мультфильм. 17.05 «Виват Санкт-Петербург» 18.35 Шеърият лаҳзалари. 18.45 «Севги балладаси». Киноконцерт. 19.15 «Машенька». Телевизион бадиий фильм премьераси. 20.30 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 22.10 Футбол шарҳи. 22.40 «ВИД» таништиради. 01.55 «Дам олувчилар ҳаётидан». Бадиий фильм.

9, шанба

● **УзТВ I**

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Шум бола». Бадиий фильм. 10.35 «Шоҳруҳ» клуби. 11.05 Араб тили. 11.35 «Меҳр кўп кўргаздим». Ўзбекистон халқ артисти Манзура Ҳамидова. 12.55 Инглиз тили. 13.25 «Деҳқон юмушлари». 13.55 Телевизион миниатюралар театри. 14.35 «Ягона оилада».

18.00 Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.25 «Омад». Мусиқий-тижорат кўрсатуви. 21.00 «Ҳафтанома». 22.00 «Дунё». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

МТ — «ОРБИТА—IV»

7.00 Мультфильм. 7.30 Ритмик гимнастика. 8.00 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 9.00 ТСН. 9.15 «Бир-бирига ўхшаш дунёлар». 10.00 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 10.30 «Бурда моден» таклиф этади...». 11.00 «Здоровье». 11.30 «Ҳайвонот оламида». 12.15 «Ажойиб шаҳар Москов». 3-фильм. 12.45 Экологик янгиликлар. 13.00 «Рус қўшиғи». Телефильм. 13.30 «Бонг». 14.30 Ашихара-каратэ бўйича Москва I халқаро турнири. 15.30 Халқ куйига мослаштирилган рақслар. «Хейке-одори» ансамбли. 15.50 Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида. «Россия империясининг тожи ёки Яна тутқич бермас қасоскорлар». 1 ва 2-сериялар 18.05 «Киносерпантин». 19.35 Кўп серияли мультфильм премьераси. 20.00 «Таянчлар». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси. 20.30 «Бахтли тасодиф». Телевикторина. 22.10 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 00.25 «Қрим-91» автораллиси. 00.55 «Беш плюс».

10, якшанба

● **УзТВ I**

8.00 «Ҳафтанома» (такрор). 9.00 «ГАИ инспектори». Бадиий фильм. 10.15 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Рангинкамон». 11.15 Жаҳон ёшлари кунига. XXI аср томошалари. Видеоканал.

18.00 Мультфильм. 18.20 «Депутат ва ҳаёт». 18.50 «Экология». Тележарида. 19.50 Совет милицияси кунига. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Зокир Алматов сўзи. 20.05 Концерт. 20.30 «Мўйқалам соҳиблари». Мусаввирлар Улуғбек Болтабоев, Темур Саъдуллаев. 21.25 «Иштихон саҳовати». Адабий-мусиқий кўрсатув. 22.55 «Белие роси қишлоғи». Кинокомедия.

МТ — «ОРБИТА—IV»

8.30 Ритмик гимнастика. 9.00 ТСН. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Сиз яратган боғ». 9.45 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Ватан хизматида». 11.00 «Тонг юлдузи». 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 13.45 «Инсон ва қонун». 14.30 «Омад кулиб боққанда». Телевикторина. 15.45 «Экологик бумеранг». «Джамбори-91». Махсус кўрсатув. 15.45 «Саҳифалар варақланганда». Цирк томошалари. 17.50 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Хачирлар» (Мексика). 17.55 «Халқаро панорама». 18.40 «Уолт Дисней таништиради...». 19.30 Якшанба кинозали. 19.50 «Эллик учинчи йилнинг совуқ ёзи». Бадиий фильм. («Мосфильм»). 22.10 Бал рақслари. 1991 йилги жаҳон супер кубоги. 23.15 Футбол шарҳи. 23.45 Игорь Саруханов дўстларини тўплайди. 00.40 «Дон Жуан». Қўғирчоқ театрининг фильм-спектакли

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
кафедралар бўйича
бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

профессор: халқ мусиқаси;
мудирлар: бошқарув ва маданият иқтисоди, кутубхона жамғармалари ва каталоглари;
доцентлар, ҳаваскорлик театрлари ижодиёти режиссураси, сиёсий тарих, халқ мусиқаси;
катта ўқитувчилар, ҳаваскорлик театрлари, ижодиёт режиссураси (3), фортепиано, кутубхона жамғармалари ва каталоглари;
ўқитувчилар: халқ мусиқаси.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700164, Тошкент шаҳри, Високовальт даҳаси, 3-сектор, 127«а» уй.

Телефонлар: 62-04-64, 62-03-23.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бошқаруви уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти

Зайнаб САДРИЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги «Ўзбекфильм» ижарадаги корхона Бош директори А. М. Хўжаевга отаси

Маҳсум ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ депутатлари Акмал Икромов ноҳия Кенгаши раёсати, ижроия комитети ва Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Акмал Икромов ноҳия ташкилий комитети ҳамда «Ташинтерм» Совет-Хитой қўшма корхонаси жамоалари «Ташинтерм» Совет-Хитой қўшма корхонасининг бош директори

Мирзаахмад СУЛТОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги ва «Узтекстильторг» идораси ҳамда базаси жамоалари «Узтекстильторг» республика идорасининг директори В. Х. Бобожоновга онаси

Ривоят БОБОЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи полковник К. Имомовга онаси

Пўлатой ОСТОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тармоқлараро ҳисобга олиш ва ҳисоб бўйича малака ошириш илмгоҳи Ўзбекистон филиали қайта тайёрлов факультети декани, бухгалтерия ҳисоби кафедраси мудири А. Ҳ. Паттаховга онаси

Вувинисса ҲАКИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БУЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпаварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 6281.
Буюртма № 6121.
Босишга топириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.30.

№ 214.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.